

## Талабаларимиз Чирчиқ олий танк қўмондонлик мухандислик билим юртида

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти ҳарбий кафедрасининг Чирчиқ олий танк қўмондонлик мухандислик билим юрти билан ҳамкорлиги натижасида кўра жорий йилнинг 5 апрель куни талабаларимиз Чирчиқ олий танк қўмондонлик мухандислик билим юртида тажриба машғулотларида қатнашдилари. Машғулотлар давомида талабалар тактик тайёргарлик, зирхли техникалар ва қурол аслаҳалар, ҳарбий автомобил техникаларининг тузилиши, зирхли техникалар ва қурол аслаҳалар, ҳарбий автомобил техникаларини эксплуатация қилиш, жанговар машиналарни ва автомобилларни амалий ҳайдаш, отиш тайёргарлиги фанларидан билим ва кўникмаларга эга бўлишди.

Шунингдек, жанговар техникаларни эксплуатация қилиш ва таъмирлаш, махсус тайёргарлик цикли талабалари билан ҳарбий кафедра базасида мавжуд бўлган танк (автомобил) ларнинг ўқув ва қирқма макетларидан фойдаланган ҳолда, танк экипаж аъзоларининг танкдаги ҳаракатлари давомида инobatга олиниши лозим бўлган хавфсизлик қоидалари талаблари, танк (автомобил) нинг бошқарув органларининг ишлаш тамойилини, танк (автомобил) двигателини ўт олдириш усулларини, танкни амалий ҳайдаш вақтида ўрганувчилар томонидан бажарилиши шарт бўлган хавфсизлик талаблари, жанговар машиналар (автомобиллар)ни амалий ҳайдаш асослари, танк (автомобил) ларни амалий ҳайдаш бўйича машғулотлар ва машғулотларга тегишли видеофильмлар намойиши ташкил этилди.

Юқорида амалга оширилган тадбирлар натижасида талабалар онгида ватанпарварлик ҳиссининг янада ошганлигини, жанговар машиналарнинг имкониятларидан кенг фойдаланиб Ўзбекистон Республикасини ишончли ҳимоячиси бўлишдек шарафли касб эгаси бўлиш кўникмаларига эга бўлишди.

